

БЕВОСИТА ТАРЖИМАДА ЭКВИВАЛЕНТ ТАНЛАШ МУАММОСИ
(Ш.С. Имяминованинг “Олмон насридан таржима намуналари” таржималар
тўплами мисолида асосида)

Толипов Абдуллоҳ - ЎзМУ, ХФФ,

Таржима назарияси ва амалиёти

йўналиши 2 - курс талабаси

Илмий раҳбар: проф. Ш.С. Имяминова

Тарихдан шу нарса маълумки, илм-маданият ривожланган сари таржима иши ҳам авж олади. Чунки барча таржимонлар ўзларигача яратилган, ёзилган ва бунёд этилган ёки бошқалар томонидан кашф этилган, тўпланган билимлар мажмуаси, бадиий ижод намуналаридан баҳра олмай, улар ҳақида маълумотга эга бўлмай яшай олмайди. Ана шунда таржима бизга жуда қўл келади. Таржимани бошқа халқ ёзувчиси ёки шоири яратган асардан айнан нусха, механик такрор ёки ҳодиса деб тушуниш керак эмас. Таржима, демак, бу бошқа тилдаги бадиий гўзалликни ўзининг халқи учун ижодий ўзлаштириш, янги тилнинг қувватини ҳамда унинг қудратини, бойлигини кўрсатиб бериш демакдир. Шундай қилиб, таржима халқ маданиятининг ажралмас бир қисмидир. “Таржима ижодкор учун адабий таҳлил, маҳорат мактабидир. Бу мактабнинг дарсхонаси жуда ҳам кенгдир. Таржима жараёни таржимоннинг ўзи учун ижодий сабоқ бўлса, асар нашр этилгач, янги адабий факт сифатида, яна бир неча авлод адиблари учун ижодий арсенал, таъсирланиш манбаига айланади” (Ғ.Саломов, Н.Комилов). Таржимоннинг жамиятдаги, инсонлараро муносабат ва муомалалардаги ўрни ҳамда вазифасини белгилаганда, унинг тиллар аро ва маданиятлар аро воситачи эканлигига алоҳида урғу берамиз. Таржимон шунчаки қуруқ воситачи эмас, у айнан ижодкор воситачидир. Унинг меҳнати ижодий меҳнатга киради. Ижодий меҳнат деганда таржимоннинг таржима матнини яратишини назарда тутамиз. Тўғри таржима

матнини бунёд қилиш таржимоннинг биринчи галдаги вазифасидир. Шундан таржиманинг предмети бу - таржима матни деган хулосага келамиз. Таржимон тиллар ва инсон ғоялари ўртасида туриб, уларнинг бошқа тилларга тушунарли, яқин, ҳамоҳанг бўлишига интилади. Таржиманинг сифати, унинг алоқага тўла маънода яроқлилиги таржимон маданиятининг даражасига боғлиқ. Худди шундай ноёб таржима асарлардан бири дея, албатта, филология фанлари номзоди, профессор Шухратхон Салижановна Имяминова томонидан немис тилидан ўзбек тилига ўтирилган “Олмон насридан таржима намуналари” асарини келтиришимиз мумкин. Ушбу асар таржимаси ҳақида сўз очишдан аввал буни ўзбекчалаштирган Ўзбекистон Миллий университети Немис филологияси кафедраси мудирини, филология фанлари номзоди, профессор Ш.С.Имяминованинг фаолиятига, хоссатан таржимонлик йўлидаги изланишларига диққат қаратсак мақсадга мувофиқ бўлади. Ш.С.Имяминова – Замонавий немис ва ўзбек тиллари бўйича мутахассис. Ихтисослиги қиёсий адабиётушунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик. 9 та дарслик, 2 та монография, 15 та ўқув қўлланма, 10 та услубий қўлланма, 4 та биобиблиографик кўрсаткич, 6 та луғат ва 6 та немис тилидан ўзбек тилига ва ўзбек тилидан немис тилига бадиий асарлар таржимаси муаллифи ва таржимони. 200 дан ортиқ чет элларда ва республикада чоп этилган мақола ҳамда тезислар муаллифи. Ш.С. Имяминова қиёсий фразеология ва таржима назарияси ва амалиёти мактабини яратган олима. “Ёш таржимон” тўғараги раҳбари. У Ўзбекистон жаҳон тиллари университети филология соҳаси бўйича фалсафа доктори (PhD) ва докторлик диссертацияларини ҳимоя қилувчи махсус Кенгаш қошидаги илмий семинар аъзоси ва Ўзбекистон Миллий университетидаги илмий семинар илмий котиби. Ўзбекистонда немис тили бўйича ягона профессор аёл ҳисобланади. Ушбу „Олмон насридан намуналар” тўпламидан бир гуруҳ олмониялик ижодкорларнинг ҳикоялари, детектив асарлар, кулгили ҳангомалар, ғаройиб воқеалар ва халқ оғзаки ижодидан намуналарининг немис тилидан ўзбек тилига таржималари ўрин олган. Бу китобда немис тилини асосий мутахассислик

сифатида ўрганувчи бакалавр йўналиши ва магистр матахассислигида таҳсил олувчи талабаларга таржима амалиёти дарсларида фойдаланиш учун материаллар жамланган. Қўлланмада олмон тилидаги матнлар аслиятда ва таржимада берилган бўлиб, бу матнларнинг аслияти ва таржимасини қиёслаб ўрганиш талабаларга қулайлик туғдиради. Қўлланмадан таржима соҳасида илмий тадқиқот олиб бораётган магистрлар ва мустақил илмий тадқиқотчилар фойдаланишлари мумкин.

Ушбу қўлимиздаги тўпламдан немис адибларидан Волфганг Борхарт, Вернер Бройнинг, Маргарет Штеенфатт, Фридрих Болгер, Алекс Рембс, Ролф Пестер Григорий Крамерларнинг “Сирли нимча”, “Жаҳл чиқса ақл кетар”, “Ёлғоннинг умри қисқа”, “Отаси учун олма”, “Сирли гувоҳ”, “Ғалати одат”, “Ўғрини қароқчи урибди”, “Сув париси”, “Тилла кулча”, “Мих”, “Хасис бека” номли ғаройиб хангома, детектив жанрдаги ҳикоя ва Халқ оғзаки ижоди намуналари ўрин олган.

Бу асарлар тўпламидан бир ҳикояни таҳлил қиладиган бўлсак, “Auf den Hund gekommen” номли ҳикоямиз ўзбек тилига “Ёлғоннинг умри қисқа” дея ўтирилган. Бу ҳикоя мобайнида шуни тушунамизки, ҳар қандай инсон ҳаётда яшар экан, агар ёлғон, товламачилик, инсонларнинг ҳақларини еб ҳаёт кечирарса, гарчи маълум муддат роҳат-фароғат ҳаётида яшаса ҳам қачондир, албатта, қилган қилмишлари учун жавоб беришини тушуниб етамиз.

Энди асар таржимасида сўзларнинг таржимасига бироз эътибор қаратадиган бўлсак, ҳикоядаги “bloder Hund” жумласи тилимиздаги “Кўппак” сўзи билан берилган. “Кўппак” сўзида салбийлик бўёғи бироз намоён бўлса-да, ўқувчининг диққатини ўзига торта олади. Ёки “Бармоқларини мажақламоқ” таржимасини “Finger kaputtmachen” дан таржимон ўгирганлигига эътибор қаратсак бўлади. “Eine Tasse war grossartig” – “бир паёла чой устида яхши бўларди-да”, дейиш асардаги айна ҳолатнинг моҳиятини очиб бериш учун етарли бўлган. Булар бир қисқа ҳикоя учун етралича кашфиёт.

Кейинги асар таҳлиliga тўхталадиган бўлсак, у “Сирли гувоҳ” деб номланган бўлиб, бу аслиятда “Eine Zeuge” орқали берилган. Бу ҳикояда бир сўзга эътиборни

қаратсак, бу сўз “Kosten” сўзидир. Бу сўз ҳикояда ҳаммага маълум бўлган қиймат маъносида эмас, балки қамоқ жазосини ўтамоқ маъносида келган. “Die Stadt war zu dieser Stunde wie tot” гапида эса “Шаҳар бу пайтда ўлик каби эди” дея қўпол таржима эмас, аксинча “Шаҳар эса шу онда жуда сокин уйқуда эди” дея гўзал бир ўхшатиш билан берилганлиги ҳам таржимоннинг маҳоратидан дарак беради. Бу ердаги *tot* сўзи уйқу, тинчлик, сокинлик маъносида қўлланганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Шунингдек, ҳикоянинг охирида келган “das nicht dahin gehorte” жумласига “қўрқоққа қўш кўринар” мақолини эквивалент сифатида олинган. Ушбу тўплам доирасида бундай мисолларни кўп келтириш мумкин.

Таржиманинг сиёсий-ижтимоий, маданий-маърифий аҳамияти. Бутун дунё миқёсида турли халқларнинг ўзаро сиёсий, иқтисодий, илмий, маданий ҳамкорлиги борган сари кучайиб бормоқдаки, бу алоқаларни таржимасиз тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Бугунги кунда таржиманинг аҳамияти ҳақида гапириш куёшнинг аҳамиятини тушунтиришдай гап бўлиб қолди. Яъни куёшсиз ер юзида ҳаёт бўлмагани каби, таржимасиз турли халқларнинг ўзаро алоқаси, ўзаро алоқасиз эса тараққиёт бўлмайди. "Бошқа халқлар ҳаётидан воқиф бўлмаслик, ғофиллик миллий маҳдудликка олиб келади". Шунинг учун ҳам таржимага халқларни бир-бирига боғловчи ҳалқа, фан ва маданиятни ривожлантирувчи ва бойитувчи восита, ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликка асос солувчи кўприк деб қаралади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Гафуров И. Таржимонлик мутахассислигига кириш, Т.: 2008. 4 б. 7 б.
2. Борисова И.Ф, Имяминова Ш.С. Таржима назарияси ва амалиёти Т.: 2005.
3. Таржима назарияси ва амалиёти (Е.Очилов) Т.: 2012. 27 б.
4. Олмон насридан намуналар (таржимон Имяминова Ш.С) Т.: 2012. 3 б.